

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУРНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК СИЁСАТИ

Очилова Гўзал Араловна

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти доценти

фалсафа фанлари номзоди

+998901092477

АННОТАЦИЯ

Соҳибқирон Амир Темурнинг буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирганлиги, илму-фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига адолат шиори асосида кенг йўл очганлиги, инсон қадр-қиммати мавқеидан қатъий назар ҳимоялаганлиги ва унинг раиятга бўлган саховати баён этилган. Унинг биз авлодларга қолдирган нодир маънавий мероси, сиёсий амалиёти бугун ҳам ворисийлик касб этаётганлиги мазкур мақолада ўз аксини топган.

Калим сўзлар: *Соҳибқирон, давлат, жамият, миллат, раият, адолат, саховат, қадрият, дин, маънавият, маданият.*

АННОТАЦИЯ

В этой статье описано, как Амир Темур построил великую империю, оставил как практическое, так и теоретическое наследие государственности, проложил путь к развитию науки, культуры, творчества, религии и духовности на основе девиза справедливости, защищал человеческое достоинство независимо от статуса и щедрость. Эта статья отражает тот факт, что его уникальное духовное наследие и политическая практика, которую нам оставили в течение нескольких поколений, все еще унаследованы сегодня.

Ключевые слова: *Сахибкиран, государство, общество, нация, народ, справедливость, щедрость, ценность, религия, духовность, культура.*

ABSTRACT

This article describes how Amir Temur built a great empire, left both the practical and theoretical legacy of statehood, paved the way for the development of science, culture, creativity, religion and spirituality based on the motto of justice, defended human dignity regardless of status and generosity. This article reflects the fact that his unique spiritual heritage and political practice, which we have been left with for several generations, are still inherited today.

Keywords: *Sahibkiran, state, society, nation, people, justice, generosity, value, religion, spirituality, culture.*

“Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир”.

Амир Темур.

Уйғониш даврининг иккинчи босқичи ҳисобланган XIV-XV асрлар Темур ва темурийлар даври ҳисобланиб, Амир Темур асос солган марказлашган давлатчилик даври бўлди. Бу босқичда илм-фан ва маданият, адолат ва саховат таъсирида раиятнинг сиёсий онгида ҳам юксакликка эришилди. Фалсафий тафаккур олдинги асрлардан фарқли ўлароқ, ўзининг ривожланиш босқичига ўтди. Атоқли давлат арбоби, биринчи президент И.Каримов эътироф этганларидек, - “... тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму-фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди”¹.

Дарҳақиқат, қадим тарихдан то Темур давригача миллий марказлашган давлат барпо этилмаган эди. Шарқ тарихи маданиятида темурийлар салтанатини барпо қилиб, марказлашган кучли давлат яратилди, шу билан бирга бу борадаги ўз кузатувларини жамлаган ҳолда кўплаб амиру умаролар, давлат арбоблари, сиёсатчилар учун зарур қўлланма вазифасини ўтаб келган “Темур тузуклари” асарини яратди. “Темур тузуклари” Амир Темурнинг авлодларига ижтимоий-сиёсий фаолиятида асосий қўлланма сифатида ёзилган ўта муҳим асар ҳисобланади.

Соҳибқирон ижтимоий-сиёсий қарашларнинг асосини давлат ва уни адолатли бошқариш масаласи ташкил қилади. Унинг фикрича, адолат ва саховат – ночорларга, беваларга, майиб ва ногиронларга хазинадан нафақа ажратиш, ноилож кишиларга мадад бериш ва инсонларнинг ҳуқуқларига риоя қилишдир. Амалдорларни тўғри танлаб, уларга қўлларидан келадиган ишлар ва вазифаларни топшириш, бир кишига амал, ундан итоат ва ижро фазилатини кутиш – давлат бошқарувининг асосий талабларидандир: “Золимга қарши мазлум додига етдим. Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлагандан кейин, уни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим”².

Бунинг эътирофини Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз Оқсарой пештоқида “Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир”, деган ҳикматли сўзларни ёздиргани бежиз эмас, албатта. Ушбу улуғвор ғоя инсон кадр-қимматини олий даражага кўтариш

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 44-45- б.

² Амир Темур. Темур тузуклари. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти. 1996. – 125-б.

борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворидир³, деган қарашларида ҳам кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда инсонпарварлик тамойили асосида мутлақо янги амалиёт жорий этилмоқда. Президент Ш.М.Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар, бунинг натижасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлаш, адашиб жиноят йўлига кирган кишиларни кечиримлилик сиёсати асосида авф этилиш ҳолатлари каби юқорида айтилган фикрлар инсон омили мамлакатда олий мақомга кўтарилаётганлигини яна бир бор кўрсатмоқда. Айниқса, 2020 йил жаҳон мамлакатларида юз берган пандемия эпидемиологик вазиятда Марказий Осиё халқларининг бир-бирига саховат кўлини чўзиши, далда бўлиши ҳам бу адолат ва саховат амалиётини халқимизга хос хусусият эканини намоён этмоқда.

Шунингдек, Соҳибқирон Амир Темури “Тузуқлари”да давлатни идора этишда амалдорлар катта ўрин тутишларини баён қилиб, уларни тўғри танлаб жой-жойига қўйишни, ҳар бирига лойиқ амал бериб, асосий мақсад йўлида тарбия қилишни муҳим талаб деб билади. Ҳар қайси амалдорни тарбиялашга кўп вақт кетиши ва бу мушкул иш эканини тушунтириб, ҳокимларга қўл остидаги илмли кишиларни эҳтиёт қилишни маслаҳат беради.

Давлатни идора этиш усулларига доир маслаҳат, тажриба, ғоялар мажмуи ҳисобланган - “Темури тузуқлари” да асосий ғоя – адолат, қонун устуворлигига асосланган инсон ҳимояси ва унинг кадр-қиммати ҳисобланади. “...райят қашшоқланиб қолмасин, солиқларни тўлай олмай қолади, давлатимнинг хазинаси тугайди, шукуҳи кетади”⁴, деб ёзади, ўзининг “Темури тузуқлари”да.

Амир Темурнинг ушбу сўзлари миллий давлатчилик тафаккурининг шаклланишида қўйилган тамал тоши эди. Ёхуд “Куч - адолатдадир” деб хитоб қилган Соҳибқирон, адолат – мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг асосий шarti – меъёри эканлигини ҳақли равишда олдиндан кўра билган эди. Амир Темури: “Менинг мамлакатимда турли соҳаларда қонунга қатъий амал қилинадиган бўлса, мен ўзимни ўша ерда ҳозир тургандай сезардим”-дея таъкидлайди.

Демак, “Темури тузуқлари”даги қарашлар миллий давлатчилик барпо этиш ғоялари, нафақат ўз даври учун балки келгуси авлодлар учун ҳам, хусусан, бугун Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг амалий намунаси дир. Шу боис, биринчи Президент И.Каримов: “Шахсан мен “Темури

³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 9 декабрь. Uza.uz. society/talqin. 09/12/2018/ 15:35:34.

⁴ Амир Темури. Темури тузуқлари. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1996. – 122-б.

тузуклари”ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир рухий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор муурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман”, деб таъкидлайди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, “Темур тузуклари” асрлар оша турли давр сиёсатчилари учун давлатни адолатли бошқариш ҳақидаги энг яхши қўлланма сифатида қадрланиб келинган. Лекин, яна бир ҳақиқат борки, “Яқин-яқингача давлат бошқаруви санъати ҳақида сўз кетса, кўпчилик гапни ё марксни – ленинчиларнинг давлат ҳақидаги сохта назарияси, ё бўлмаса XVI асрда яшаган Макиавелли қарашларидан бошларди. Қўйиб берсангиз, бу эски одатни бугун ҳам давом эттиришади. Давлат, салтанат, жамият бошқарувига оид мумтоз асар – “Темур тузуклари”ни ёзган ким? Умуман кишилик тарихида ана шундай асар битиб қолдирган бошқа ҳукмдор борми ўзи?”⁵. Зеро, ҳозирги демократик давлатчилигимиз сиёсатининг илдизлари ҳам мана шу каби ноёб асарларга бориб тақалади, улардан озиқланади.

Умуман давлатчилигимиз тарихи ҳақида фикр юритганда, беихтиёр, ўзбек давлатчилиги тарихи беназир, маънавий дунёси кенг зотларнинг онги, тафаккури асосида бунёд этилганлигини гувоҳи бўламиз. Бу эса, ўз навбатида, халқимизнинг ғурури, шаъни ва шарафини дунёга тараннум қилиш билан бирга тафаккурида ўз тарихи билан фахрланиш, миллий давлатчилигини садоқат билан асраб-авайлаш бурчини, мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида фидойи бўлиш, курашиш ҳиссини шакллантиради. Ана шундай ноёб фазилатларга, юксак маънавиятга эга бўлган халқ ҳеч кимга, ҳеч қачон, қарам бўлмайди, ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади”⁶.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES):

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 9 декабрь.
2. Uza.uz. society/talqin. 09/12/2018/ 15:35:34.
3. Амир Темур. Темур тузуклари. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1996. – 122-б.
4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Тошкент. 7-т. “Ўзбекистон”, 1996. – 147-б.

⁵ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Тошкент. 7-т. “Ўзбекистон”, 1996. – 147-б.

⁶ Каримов И. А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 17-б.